



## Ислом Нури

Абу Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «шиғор»дан қайтардилар» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «шиғор»дан қайтардилар» (Муттафақун алайҳ).

Шиғор – бир киши қизини бировга бериб, ўрнига унинг қизини олиши ва ўртада ҳар икки томонга маҳр берилмаслигидир.

Абу Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «шиғор»дан қайтардилар» (Муттафақун алайҳ).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Валийсиз никоҳ никоҳ эмас» (Имом Термизий ривояти).

### **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам диндорга уйланишни насиҳат қилганлари:**

Абу Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Валийсиз никоҳ никоҳ эмас» (Имом Термизий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аёл киши 4 сабабдан бири учун никоҳланади: Бойлиги, насаби, ҳусни ва дини учун. Шундай экан, сен диндорига уйланишга ҳаракат қил, қўлинг тупроққа тўлгур (яъни, барака топгур)», дедилар (Муттафақун алайҳ).



## Ислом Нури

### Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши қизини бировга бериб, ўрнига унинг қизини келин қилиб олиши, ўртада ҳар икки томон бир-бирига маҳр бермаслигидан қайтарганлар. Бу ҳолатда эркаклар фойдаланмоқда, маҳрнинг асл эгалари аёллар маҳрдан қуруқ қолмоқдалар ва унинг қизи бунга, бунинг қизи унга берилиши гўёки маҳр ўрнида бўлмоқда. Аммо ҳар икки томон маҳр берса бундай қудачилик жоиз. Шунингдек, аёл кишини валийси бўлмаган ҳолда никоҳланиб, турмушга чиқишидан қайтарганлар, зеро бунинг ортидан ёмонлик келиб чиқиши мумкин. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланмоқчи бўлган кишига диндор аёлни танлашга насиҳат қилганлар.

### Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Шиғор никоҳи мумкин эмас, у ботил саналади;
2. Аёл киши валийсиз никоҳланиши мумкин эмас;
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланмоқчи бўлган кишига диндор аёлни танлашни маслаҳат берганлар.